

## Урганч давлат университети билан интеграциялашув

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти “Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси мудири т.ф.д. К.Д.Астанақұлов вилоятлардаги олий таълим муассасалари билан интеграцияни янада мустаҳкамлаш мақсадида Урганч давлат университетида бўлиб қайтди. К.Д.Астанақұлов Урганч давлат университетига ташрифи давомида Техника факультетида бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашув ўтказди. Учрашувда ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларида ўзаро ҳамкорлик масалалари келишиб олинди. “Ер усти транспорт тизимлари” таълим йўналиши З-босқич талабаларига “Қишлоқ хўжалиги машиналари” фанидан маъруза ўқилди, “Ички ёнув двигателлари” фанидан курс лойиҳалари ҳимоясида қатнашилди. Урганч давлат университети ўқитувчилари билан фермер хўжаликларида бўлиб, шоли етиштириш ва йиғиштиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ўзаро фикр алмашилди.



**“Қишлоқ хўжалиги машиналари” кафедраси мудири К.Д.Астанақұлов ахбороти**

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**